



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
“ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ” МЧЖ**

**КИМЁНИНГ РИВОЖИДА ФУНДАМЕНТАЛ,
АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**



Республика илмий-амалий анжумани материаллари

22-23 сентябрь

Тошкент- 2022

© 2022 UNG Shurtan GKM. All rights reserved.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Профессори, кимё фанлари доктори
АБДУШУКУРОВ АНВАР КАБИРОВИЧ**

таваллудининг 80 йиллигига бағишланган
**КИМЁНИНГ РИВОЖИДА ФУНДАМЕНТАЛ, АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани



2022 йил 22-23сентябрь

ГК пневмонияни чақирувчи янги коронавирусларнинг репликациясини ингибирловчи ҳисобланади.

Адабиётларда ГК ва унинг ҳосилалари одам иммунотанқислиги вируси (ОИВ) репродукциясини ингибирлаш хусусияти борлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган

Глициррет кислотасининг гидроксил гуруҳи бўйича олинган энг биринчи ҳосиласи унинг ацетатидир. Агарда глициррет кислотасини(2) пиридинда эритиб, сирка ангидрид қўшиб сув ҳаммомида қиздирилса, юқори унум билан глициррет кислотасининг 3-О-ацетати (33) ҳосил бўлади. $T_{суюқ} = 304-307^{\circ}C$, $[\alpha]_{D}^{20} = +163, D$. Агарда глициррет кислотасини ациллашда пропион ангидрид ва қахрабо ангидрид олинса мос равишда глициррет кислотасининг пропионати (34) ($R = C_2H_5$) ҳамда нордон сукцинати (35) ($R = -CH_2-CH_2-COOH$) ҳосил бўлади [3; 311-с].

Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган маълумотлардан ширинмия ўмилиги илдизи қуоқ экстрактдан олинadиган бирикмаларнинг юқори биологик фаолликга эга эканлигини кўришимиз мумкин. .

Адабиётлар.

1. М.В. Гаврилин, С.П. Сенченко*, А.М. Тамирян, А.В. Печенова Пятигорская государственная фармацевтическая академия, пр. Калинина, 11, Пятигорск, Ставропольский край, 357500 (Россия) 2009.112-124с. E-mail: asp_nauka@mail.ru
2. Baltina L.A. Chemical modification of glycyrrhizic acid as a route to new bioactive compounds for medicine. Current Medicinal Chemistry. 2003.- V.10.-P.155-171.
3. Толстикова Г.А., Балтина Л.А., Гранкина В.П., Кондратенко Р.М., Толстикова Т.Г. Солодка: Биоразнообразии, химия, применение в медицине. Новосибирск: Гео. - 2007. – 311 с.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ТЕРИ АЛЛЕРГИЯСИНИ ДАВОЛАШДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ЯНГИ СУРТМА ШАКЛИДАГИ ДОРИ ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Пўлатова Ф.О., Л.И.Алимджанова

Ўзбекистон Республикаси Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.

Тери аллергик касалликларини даволашда антигистамин ва тизимли глюкокортикостероид препаратлардан ташқари суртма (мазь) шаклидаги гормонал препаратлар ҳам кенг қўлланилади. Ушбу дориларни қўллаш давомида аллергияга қарши самарадорлигини намоён қилиши билан бирга, айрим синтетик препаратлар ноўя таъсирларини ҳам юзага келтирмоқда. Аксарият тери аллергиясига қарши қўлланиладиган суртма шаклидаги препаратлар Республикамызга хориждан келтирилади. Шунинг учун, тери аллергиясини даволаш учун маҳаллий хом ашё манбаларидан фойдаланган ҳолда янги, сифатли, арзон, безарар ва самарали таъсир қиладиган суртма шаклидаги дори воситалари яратилса, мавжуд муаммо бартараф этилади.

Ишнинг мақсади: юмшоқ дори шакли учун ёғ ва мойларни қайта эфирлаш орқали асос олиб, унинг асосида янги суртма олишнинг энг мақбул нисбатларини ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганишдир.

Таъриба қисми: Ёғларни қайта эфирлаш жараёнини олиб бориш учун мол ёғи ва кунгабоқар мойи маълум нисбатларда аралаштирилади ва $45-47^{\circ}C$ хароратда сув ҳаммомида липаза ферменти эритмаси иштирокида бир жинсли массага келгунча аралаштирилиб турилади. Натижада гидрофоб асос ҳосил бўлади. Сўнг унинг рН мухити фосфат буфери билан нормаль ҳолатга келтириб олинади.

Маҳаллий гидрофоб асосни аралаштириб турган ҳолда секин-асталик билан бир оз спиртда эритиб олинган иттиканак қуруқ экстракти қўшилади. Аралашмани масса гомоген ҳолатга келгунга қадар аралаштириш давом эттирилади.

Суртма таркибини танлашда қуруқ экстрактдаги биологик фаол моддалар физик – кимёвий ва фармакологик кўрсаткичларга асосан қуйидаги таркиблар тавсия этилди. 1-

таркиб учун курук экстракт 10,0 г ва суртма асоси 90,0 г; 2-таркиб учун курук экстракт 20,0 г ва суртма асоси 80,0 г; 3-таркиб учун курук экстракт 30,0 г ва суртма асоси 70,0 г.

Тайёрланадиган суртманинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари XI ДФ да келтирилган талабларга жавоб бериш керак. Бунда тайёрланган суртмани бир хиллиги, рН кўрсаткичи, гидрофоб асосли суртманинг коллоид турғунлиги, ҳарорат таъсирига чидамлигини аниқлаш, кислота сони, совунланиш сони, эфир сони ўрганиб чиқилди.

Олинган натижалар. Иттиканак курук экстракти асосида гидрофоб асосли суртманинг ташқи кўриниши визуал равишда оддий кўз билан аниқланди. Гидрофоб асосли суртманинг бир хиллигини аниқлаш учун буюм ойначасининг устига 0,03 г суртма намунаси тортиб солинди ва буюм ойначаси билан ёпиб, ёруғликда оддий кўз билан қаралди, намунада кўзга кўринадиган заррачалар кўринмади, суртма талабга жавоб беради. Гидрофоб асосли суртмасининг рН муҳити 5,5 га тенглиги потенциометрик усулда аниқланди.

Гидрофоб асосли суртманинг коллоид турғунлиги аниқлаш учун суртманинг 5,0 г намунасидан центрифуга пробиркасига солинди ва 5 минут давомида 1500 айланма/дақиқа тезликда центрифугаланди. Ўрганилаётган намуналарда суюқ фазани ажралиши кузатилмади. Текширилган суртма тажриба шароитида ўзининг турғунлигини намоён қилди. Тажрибалар 5 мартадан олиб борилди. Ҳарорат таъсирига чидамлигини аниқлаш учун 1 г намуна олиниб диаметри 35 мм бўлган бюксга солинди 40°C ҳароратда ТМС термостатида 6 соатга қўйилди. Суртмаларда фазаларга ажралиш кузатилмади. Кислота сони асос таркибидаги соф кислоталарни нейтраллаш учун кетган калий ишқорининг миллиграмм миқдорига нисбатан 0,68-0,73 га тенглиги аниқланди.

Хулосалар. Олиб борилган изланиш натижалари шуни кўрсатадики, ёғларнинг перезтерификати суртма дори турларига асос бўлиши мумкин. Структура механик кўрсаткичлардан марказдан қочувчи кучларга чидамли эканлиги ва ҳарорат таъсирида ҳам ўз хоссаларини ўзгартирмаганлиги қайд этилди. Намуна суртмалар ДФ XI 2 наshr кўрсаткичи бўйича талабга жавоб берди.

Адабиётлар:

1. Персев, И.М., Котенко А.М., Чуешов О.В. и др. *Фармацевтические и биологические аспекты мазей (монография)*. НФаУ. 2003. 285 С.
2. *Промышленная технология лекарств /Под ред. Проф. В.И. Чуешова. Том 2. Харьков. 2002. 715 с.*
3. *Фозилжоновна М.Ш., Таджиева А.Д., Пулатова Ф.О., Комилов Х.М. Маҳаллий хомашёлардан суртма дори шакли олиш учун гидрофоб асос олиш. Инфекция, иммунитет ва фармакология. 2017г. №3 с 50-51.*

П-АМИНОФЕНОЛНИНГ СИРКА КИСЛОТАСИ БИЛАН ТУЗ ҲОСИЛ БЎЛИШ РЕАКЦИЯСИ

Ҳ.С. Тожимуҳамедов, М.Х. Хамидова

Мирзо. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: xamidova.maftuna@inbox.ru

Маълумки, карбон кислоталарнинг п-аминофенол билан юқори ҳароратда турли катализаторлар иштирокида таъсирлашишидан кислота амидлари ҳосил бўлади. Шунингдек, адабиётларда карбон кислота ва аминофеноллар иштирокида амид синтез қилиш реакциялари, тўртламчи аммоний тузлари ҳосил бўлиши билан бориши таъкидланган [1, 2]. Аммо бу тузлар оралиқ маҳсулотлар сифатида қаралиб, ажратиб олинмаган, тузилиши ва хоссалари ўрганилмаган. Сўнгги йилларда аминларнинг N-протонланиши ҳисобига ҳосил бўладиган ушбу тузларни ажратиб олиш, тузилиши ва хоссаларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, кўпчилик тузларнинг молекуласини рентген тузилиш анализи ёрдамида таҳлил қилиниши кимёгар олимларда қизиқиш уйғотмоқда[4]. Шунингдек кўпчилик аммоний тузларининг